

# Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жидда шаҳрига етиб келди



21:53 / 18.07.2023 1545

Аввал хабар берганмиздек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Жидда шаҳри халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Макка минтақаси ҳокими ўринбосари шаҳзода Бадр бин Султон Ол Сауд ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Саммитнинг асосий тadbирлари – “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги давлат раҳбарлари йиғилиши ҳамда икки томонлама музокаралар эртага, 19 июль куни бўлиб ўтади.



